

## СПОРТЧИ АХЛОҚИ ВА СПОРТ ФАЛСАФАСИ

Лутфулло Кароматуллоевич Ахатов

Чирчик давлат педагогика университети катта ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Ватанимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз маънавиятини юксалтиришга, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳамда ақлий ва жисмоний уйғунликни мужассамлаштирган баркамол инсонни тарбиялашга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бу Ўзбекистонда маданият, таълим, спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотларнинг бош мақсадига айланган.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, спорт, фалсафа, тарих, маданият, қадрият.

### КИРИШ

Ўзбекистон келажагининг бунёдкорлари ҳар тарафлама баркамол ёшларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Уч босқичли умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари талаба ёшларининг «Баркамол авлод», олий ўқув юртлари талabalарининг «Универсиада» оммавий спорт мусобақаларининг изчил йўлга қўйилиши жисмоний тарбия ва спортнинг кундалик турмушимииздан мустаҳкам ўрин олишига, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Ёшларнинг жисмоний тарбияга қизиқишида ватан шон шухратини кўтаришида спортнинг буюк роли кўрсатилади. Соғлом халқ юқори маълумотли ва фидокор ёш авлодга эга бўлса албатта келгусида ўзини буюк келажагини таъминлайди. Шунинг учун спортнинг оммавийлиги ҳарбий патриотик тарбия билан тарбияланиши ҳар томонлама келишган илғор шахсни тарбиялаш учун асосий шартлардан биридир. Умуман спорт фалсафаси тарихига назар ташласак, спорт фалсафаси спорт тарихи ва социологияси сифатида Шимолий Америка университетлари ва коллежлари учун жўшқин давр бўлган 1960 йилларда интеллектуал жонланиш ва сиёсий изланишларнинг эски академик тартибларни талabalар томонидан тўхтовсиз танқид ва тайзиқ қилишлари натижасида вужудга келди. Спорт фалсафаси ривожига икки воқеа асосий рол ўйнаган. Биринчиси эски ва шаклланган жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тиббий ва педагогик йўналишларда илмий

изланишларнинг юзага келишидир. Спорт изланишлари соҳаси жадал интеллектуал мақсадларни, традицион тиббий ва педагогик изланишларни фалсафий тарихий ва ижтимоий изланишлар билан тўлдиради. Фан ва педагогикани аралашуви спортнинг маданий ва тарихий соҳаларини ўрганиш имкониятини юзага келтириди. Бу борада Говард Слашернинг 1967 йилда эълон қилинган “Инсон, спорт ва мавжудлик” Элеонор Метенинг 1968 йилда босиб чиқарилган “Харакат ва унинг аҳамияти” асарининг нашр қилиниши кейинчалик спорт фалсафасининг пайдо бўлиши учун бир қатор тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келсада, спорт фалсафасининг янги изланишлар соҳасида ўз ўрнига эга бўлишига замин яратди.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қадимда Олимпия ўйинлари стадиондаги югуриш йўлакчаларига, кураш гиламларига чиқадиган, отчопарда аравалар пойгасида қатнашадиган бевосита спортчилар билан бирга файласуфлар, мусиқачилар, шоирлар, ҳайкалтарошлар, рассомларни ҳам ўз бағрига чорлар эди. Тарихий манбалар муқаддас Олимпия шахри атрофидаги театрларда Олимпиада доирасида санъат танловлари, мушоиралар мунтазам ўтказиб келингандигидан яққол далолат беради. Спорт бир қатор халқлар маданиятига Қадимги Грек маданияти, замонавий Америка маданиятларига ўз таъсирини ўтказган бўлса ҳам бирор жиддий фалсафий эътиборга эга бўлмаган. Иккинчи воқеа айнан шу йилларда спортга фалсафий ёндашув бўлди. Ўз даврларида Аристотель, Платонлар ҳам ўйин ва спорт ҳақида гоҳо маъқуллаб, гоҳо хавас билан фикрлар билдиришган. Аммо, қўплаб фалсафа намоёндалари спортни жиддий қабул қилишмаган улар спорт вақт сарф қилиш учун арзимас нарса деб қарашган. Спортга бундай эътиборсиз муносабат, танага таъсир этувчи восита сифатида нафақат фалсафа ўтмиши, унинг дин билан боғлиқлиги ва унинг доимий саволларга муносабати билан боғлиқлигидир. Бироқ қийинчиликларга қарамай вазият ўзгара бошлади, файласуфлар спорт ўйинларига жиддийроқ муносабатда бўла бошладилар. Бунда йирик файласуф прагматик ҳаракатлар билан боғланган “Спорт: фалсафий изланишлар” китобини ёзган Пол Вейснинг ҳиссаси кттадир. Пол Вейснинг ушбу китобини фалсафа оламида шовқин тортишув билан кутиб олишди. Спорт мавзуси халқаро обрўга эга Пол Вейснинг таланти ва вақтини банд қилиши унинг ҳамкаслари орасида сезилмай қолмади, ҳаттоқи, қарама-қарши бўлган файласуфлар ҳам бунга бефарқ қолмадилар. Ана шу хаакатлар натижасида 1970 йилларнинг бошларига келиб спорт фалсафаси мустаҳкам оёққа туриб олди. 1972

йилда спорт изланишлари ва фалсафа соҳасидаги мутахассислар “спортни ўрганиш бўйича фалсафий жамият”ни туздилар. Бу жамият аъзолари спортчиларнинг ахлоқий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратдилар. Спортчиларда рақибга нисбатан хурматсизлик, қоидабузарликка йўл қўймаслик, фармацевтик дорилардан фойдаланмаслик каби жиҳатларни шакллантириш кераклигини таъкидладилар.

Спортнинг ахлоқий жиҳатларини ўрганувчи адабиётлар кўпайиб бормоқда. Хусусан, у адабиётлар қадрловчи хаспўшловчилар ва келтирилаётган хулқ-авторлар тўғрисидаги саволларга жавоб беради.

Бундан ташқари, фалсафа жавоб берадиган муаммолар, маҳсус муаммолар эмас, аҳлоқий муаммолар бўлиб, улар бизнинг турли, ўзаро чиқишилмайдиган ижтимоий ҳақгўйлик концепцияларини ва хаёт “бойлик”ларини савол остига қўядилар. Гар, фалсафа шундай ахлоқий рол ўйнар экан, унинг дисциплинар автономияси ва профессионал ҳолати билан боғлиқ муаммолар, ортиқ муаммо бўлмай қолади.

Улар муаммо бўлмай қолишларининг сабаби, фалсафа маданий ва ижтимоий танқид билан, ўз масалаларини ҳал этиш учун, ижтимоий реформалар воситаси сифатида, орасидаги чегарани босиб ўтиши лозим бўлади. Бу умумий фалсафагагина эмас, хусусан спорт фалсафасига ҳам тегишлидир. Шундай таъсирга эга бўлган ҳолда, дисциплинар чегаралардан чўнимай, у тарихий ва ижтимоий саволларга эътибор қаратади. Танқид ва ахлоқий ишлар билан шуғулланувчи спорт файласуфларини илмий изланишлари спортни ўрганиш натижасида жамият ва маданият соҳасидаги изланишларнинг асосий муаммоларини тушунишга ёрдам беради.

Бугунги кунда нафақат шаҳарлар ва туман марказлари, балки олисдаги қишлоқ жойларида ҳам йигит ва қизларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Улар нафақат жисмоний жиҳатдан чиниқиб, ўзларини бунёдкорлик фаолиятига тайёрламоқдалар, шу билан бир қаторда турли, энг нуфузли ҳалқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолиблиқ шоҳсупасига кўтарилимоқдалар ва бутун дунёга Ватанимиз довруғини ёймоқдалар.

«Ёшларимиз шарафига баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов, минг-минглаб спорт ихлосмандлари, ҳалқаро жамоатчилик томонидан қизғин олқишилар билан кутиб олинаётганлигининг ўзи шу юртда яшаётган ҳар қайси инсонга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этиши шубҳасиз». Ҳақиқатан ҳам олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари бўлган

спортчиларимиз барчамизнинг фахримизга айлангандирлар.

Буюк файласуф И. Кантнинг фикрича, инсонни ватанпарварликка қиласидиган иккита чексизлик мавжуд. Биринчиси, инсоннинг боши устидаги юлдузли осмон ва иккинчиси, унинг ичидағи ахлоқий яъни рухий оламдир. Инсон биринчи чексизликни янги оламлар ва маконларни ўрганиш орқали, иккинчисини эса, ўзини-ўзи англаш, виждонига қулоқ тутиш орқали енгигиб ўтади. Инсон виждонини ўзи яшаётган маънавий ҳаёт қадриятлари даражасида англайди. Ўз-ўзини такомиллаштириб боради.

Спортчининг ахлоқини унинг онгига эзгулик, поклик, масъулият қай даражада мустаҳкам қарор топгани, ҳиссиётлари, эътиқоди, ҳаракатга ундовчи сабаблари, нафсонияти, иродаси ва характерини қай даражада яхшилагани кўрсатади. Муваффакиятлардан эсанкираш, ўзига маҳлиё бўлиш, мураббий ва бошқа спортчиларга хурматсизлик, буларнинг барчаси ва бошқалар ахлоқий заифлигини кўрсатади.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир.

## ХУЛОСА

Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кирииб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор”. Ахлоқийлик инсон руҳини тозаловчи фақат инсонгагина хос бўлган ўз илдизлари билан айбдорлик ва пушаймонлик ҳиссига бориб туташадиган инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган жиҳатдир. Ахлоқийликни уят ёки қўркув билан адаштираслик лозим. Уят одатда спортчи шахсини тарбиялашнинг илк босқичларида намоён бўлади. Уятнинг мавжудлиги спортчида ахлоқий туйғулар уйғонаётганлигини кўрсатади. Спортчи уни қўркув эмас, балки ахлоқий нормалар бошқараётганлигини тушунган пайтдан у мураббийга, дўстларига, ўртоқларига, спортчиларга қўрққани учун эмас, балки виждони буоргани учун хушмуомалада бўлади. Ахлоқ мавжудлигининг муҳим кўрсаткичи инсоннинг унга ёрдам берган, машқ қилдирган кишиларни унутмаслиги ҳисобланади. Бундан ташқари, инсоннинг ҳалоллиги ва меҳрибонлиги ватан

олдидаги маъсулиятида кўринади. Спортнинг, жумладан мусобақалар, рақобат, беллашувларнинг маънавийлиги, уларни инсонпарварлаштириш буларнинг барчаси спортчиларнинг ахлоқий тарбиялашга қаратилиши лозим. Бизнинг назаримизда бу шахсни маънавий ахлоқий шакллантириш тизимида асосий бўғиндир.

## REFERENCES

1. Мухамедова, З. М., Саттарова, Д. Г., & Худайбергенова, П. Т. (2019). РОЛЬ ГУМАНИСТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА ВРАЧЕЙ. *Гуманистарный трактат*, (52), 19-23.
2. Gapparovna, S. D., & Toshpulatovna, X. P. (2021). IMPROVING THE QUALITY OF MEDICAL SERVICES IN IMPROVING THE GENE POOL OF THE POPULATION IN OUR COUNTRY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 138-141.
3. Умирзакова, Н. А., Худойбергенова, П. Т., & Курбанова, Е. (2020). БИОЭТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТРАНСПЛАНТОЛОГИИ. *Гуманистарный трактат*, (97), 13-14.
4. Худайбергенова, П. Т. (2018). ОБРАЗ МАВЛОНО ДЖАЛОЛИДИНА РУМИ В КОНТЕКСТЕ ГУМАНИСТИЧЕСКИХ ТРАДИЦИЙ ВОСТОКА И МУСУЛЬМАНСКОЙ БИОЭТИКИ. *Гуманистарный трактат*, (33), 28-30.
5. Атамуратова, Ф. С., & Мисирова, Ш. А. (2021). Значение изучения биоэтики в медицинских вузах: международный опыт.
6. Мухамедов, А. Р (2021). «Вопросы совершенствования законодательства Узбекистана о преступлениях в сфере трансплантологии с учетом зарубежного опыта», *Биоэтика и право*
7. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
8. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. Феномен медицинских гуманистических наук и международный опыт интеграции гуманистических наук в медицинском образовании. *Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
9. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманистических наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.

10. Мухамедова, З. М. (2009). Биоэтика. Учебное пособие. Ташкент.
11. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). АКТУАЛЬНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ СОЦИАЛЬНОГО КОНТЕКСТА БИОЭТИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.
12. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
13. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современность и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
14. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology, Iran, Tehran* (pp. 28-29).
15. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: [www.rpat.uzsci.net](http://www.rpat.uzsci.net).
16. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ Биоэтика. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўкув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. Биоэтика. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
17. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ЭТИКИ И ВСЕОБЩАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ О БИОЭТИКЕ И ПРАВАХ ЧЕЛОВЕКА. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).
18. Саттарова, Д. Г. (2015). СТРАТЕГИЯ КОМПЬЮТЕРИЗАЦИИ И ИНФОРМАТИЗАЦИИ И ПРОБЛЕМА ГУМАНИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ. *iàðéééíéäð Ö iéÄÑàñà à ëéÇéÖåÖççééíý*, 116.
19. Саттарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ "ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.
20. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
21. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). ЖАМИЯТДА ОДОБ-АХЛОҚ МЕЪЁРЛАРИНИ БУЗИЛИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 4(4).

22. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. *Theoretical & Applied Science*, (2), 451-454.
23. Il'ina, G. V., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovaniye gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zedorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.
24. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus Blakeslea trispora. *Applied Biochemistry and Microbiology*, 7(1), 38-40.
25. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. *Tajikistan country assessment*. Geneva: WHO.
26. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In *Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований* (pp. 884-888).
27. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, (2), 69-72.
28. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. *IX МІЖНАРОДНОГО СИМПОЗІУМУ З БІОЕТИКИ ЗДОРОВ'Я, МЕДИЦИНА ТА ФІЛОСОФІЯ СТРАТЕГІ ВІЖИВАННЯ*, 15-16.
29. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. *Научные исследования XXI века.-Нефтекамск*, (5), 7.
30. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. *Гуманитарный трактат*, (77), 4-7.
31. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. *Гуманитарный трактат*, (17), 15-18.